

XIV. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига республика доимий аҳолиси сони 33 724,5 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан 469,0 минг кишига ёки 1,4 % га ўсди.

Шу билан бирга, шаҳар аҳолиси сони 17 034,0 минг кишини (жами аҳоли сонига нисбатан 50,5 %), қишлоқ аҳолиси сони 16 690,5 минг кишини (49,5 %) ташкил этди.

Доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот (1 октябрь ҳолатига)

	2018й.	2019й.	Ўсиш суръати, % да
Ўзбекистон Республикаси	33 085,7	33 724,5	101,9
Қорақалпоғистон Республикаси	1 861,3	1 889,8	101,5
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	3 050,6	3 110,1	102,0
Бухоро	1 886,3	1 915,9	101,6
Жиззах	1 345,2	1 374,4	102,2
Қашқадарё	3 195,1	3 261,2	102,1
Навоий	975,0	992,4	101,8
Наманган	2 737,8	2 795,6	102,1
Самарқанд	3 777,9	3 857,0	102,1
Сурхондарё	2 554,4	2 612,3	102,3
Сирдарё	825,9	841,8	101,9
Тошкент	2 888,0	2 929,7	101,4
Фарғона	3 665,6	3 733,0	101,8
Хоразм	1 825,4	1 856,4	101,7
Тошкент шаҳри	2 497,2	2 554,9	102,3

Худудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши
(2019 йил 1 октябрь ҳолатига; республика жами аҳолисига нисбатан, % да)




Республика худудлари кесимида 2019 йил 1 октябрь ҳолатига энг кўп аҳоли сони Самарқанд вилоятида 3857,0 минг кишини (республика аҳоли сонигаги улуши (11,4%), Фарғона вилоятида 3733,0 минг кишини (11,1%), Қашқадарё вилоятида 3261,2 минг кишини (9,7%) ва Андижон вилоятида 3110,1 минг кишини (9,2%) ташкил этди.

Дастлабки маълумотларга кўра 2019 йил 1 октябрь ҳолатига Республика доимий аҳоли сонининг 30,5 % меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар, 59,1 % меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ва 10,4 % меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар хиссасига тўғри келмоқда.

Доимий аҳоли сонининг асосий ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши

(2019 йил 1 октябрь ҳолатига; жамига нисбатан % да)




Ўзбекистон Республикаси аҳолиснинг табиий ҳаракати
(январь-сентябрь)

Кўрсаткичлар	Минг киши		1000 аҳолига нисбатан	
	2018 йил	2019 йил	2018 йил	2019 йил
Туғилганлар	553,4	589,7	22,5	23,5
Ўлганлар	112,6	112,2	4,6	4,5
<i>шу жумладан: 1 ёшгача ўлган болалар</i>	5,6	5,3	10,2	9,0
Никоҳлар сони, <i>минг</i>	196,0	194,9	8,0	7,8
Ажримлар сони, <i>минг</i>	23,8	23,6	1,0	0,9

¹⁾ 1000 туғилганга

Туғилиш. 2019 йил январь-сентябрь ойларида 589,7 мингта бола туғилганлиги (бу ерда ва бундан кейин туғилганлар сифатида фақат тирик туғилганлар инобатга олинган) қайд этилган бўлиб, 2018 йилнинг мос даврига (553,4 минг бола) нисбатан 36,3 минг болага кўпайди, туғилиш коэффициенти 23,5 промиллени ташкил этди.


Худудлар кесимида туғилганлар сони ва коэффициенти
(2019 йил январь-сентябрь)



Туғилиш коэффициентининг сезиларли даражада ўсиши Тошкент шаҳрида (18,0 промилледан 19,7 промиллега), Сирдарё (21,6 промилледан 24,2 промиллега), Наманган (23,5 промилледан 25,5 промиллега), Жиззах (24,9 промилледан 26,3 промиллега) Тошкент (20,0 промилледан 21,4 промиллега), Фарғона (21,6 промилледан 22,9 промиллега), ва Андижон (22,7 промилледан 24,0 промиллега) вилоятларида қайд этилди.

Шу билан бирга, туғилиш коэффициентининг юқори даражаси Сурхондарё (26,9 промилле), Жиззах (26,3 промилле), Самарқанд (25,8 промилле), Қашқадарё (25,7 промилле), Наманган (25,5 промилле) ва вилоятларида кузатилди.

Ўзбекистон Республикасида тирик туғилганлар сони
(2019 йил январь-сентябрь.)



Ўлим. 2019 йил январь-сентябрь ойларида ўлганлар сони 112,2 минг кишини ташкил этиб, 2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан (112,6 минг киши) 0,4 минг кишига кўпайди, мос равишда ўлим коэффициенти 4,5 промиллени ташкил этди (2018 йил январь-сентябрида - 4,6 промилле бўлган).

Ўлим коэффициентининг паст даражаси Қашқадарё (3,8 промилле), Жиззах ва Сурхондарё (3,9 промилле), Бухоро ва Самарқанд (4,1 промилле) вилоятларида қайд этилди.

Худудлар кесимида вафот этганлар сони ва коэффиценти


(2019 йил январь-сентябрь)



Вафот этганлар сони
МИНГ КИШИ



Ўлим коэффиценти,
1000 аҳолига нисбатан, промилле




Рўйхатга олинган жами вафот этганларнинг 60,6 % қон айланиш тизими касалликларидан, 9,8 % ўсимталардан, 6,4 % бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатланишлардан, 5,5 % овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан, 4,2 % нафас олиш аъзолари касалликларидан, 1,4 % юқумли ва паразитар касалликлардан ҳамда 12,1 % бошқа касалликлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-сентябрь ойларида 1 ёшгача болалар ўлими 5,3 миң нафарни ташкил этиб, гўдақлар ўлими коэффиценти 9,0 промиллени (2018 йил январь-сентябрда - 10,2 промилле бўлган) ташкил этди.

Гўдақлар ўлими коэффицентининг юқори даражаси Тошкент шаҳрида (12,9 1000 тирик туғилганга), Андижон ва Хоразм (12,5), Сирдарё ва Жиззах (11,3) вилоятларида кузатилди.

Рўйхатга олинган 1 ёшгача жами вафот этган болаларнинг 58,7 % перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 18,2 % нафас олиш аъзолари касалликларидан, 12,0 % туғма аномалиялардан, 2,8 % юқумли ва паразитар касалликлардан, 2,1 % бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатланишлардан, 0,7 % овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан ва 5,5 % бошқа касалликлардан вафот этган.


Ўлганларнинг асосий ўлим сабаби бўйича тақсимланиши
(жами вафот этганларга нисбатан, %)



Худудлар кесимида гўдаклар ўлими коэффиценти
(2019 йил январь-сентябрь ҳолатига, 1000 тирик тугилганга нисбатан)



**Худудлар кесимида асосий ўлим сабаблари бўйича
вафот этганларнинг тақсимланиши**
(жами вафот этганларга нисбатан, %)



- Ўсимталардан
- Қон айланиш тизми касалликларидан
- Нафас олиш аъзолари касалликларидан
- Овқат хазим қилиш аъзолари касалликларидан
- Бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жар оҳатланишлардан
- Бошқа касалликларидан

Бундан ташқари, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида дастлабки маълумотларга кўра 109 та оналар ўлими ҳодисаси қайд этилиб, оналар ўлими коэффициенти эса 18,5 ни (100 минг тирик туғилганга) ташкил этди.

Оналар ўлими коэффициентининг юқори даражаси Қорақалпоғистон Республикаси 44,4 (100 минг тирик туғилганга), Сурхондарё 25,0, Бухоро 23,6 Фарғона 22,0 ва Самарқанд 20,3 вилоятларида қайд этилди.

Жами вафот этганларнинг 7,7 % меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ёшдагиларга (2018 йилнинг январь - сентябрда – 7,8 %), 26,2 % - меҳнатга лаёқатли ёшдагиларга (2018 йилнинг январь - сентябрда – 27,1 %) ва 66,1 % меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдагилар (2018 йилнинг январь- сентябрда – 65,1 %) ҳиссасига тўғри келди.

Вафот этганларнинг асосий қисми, яъни 66,1 %ини меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдаги аҳоли ташкил этган.

Ўлганларнинг асосий ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши (жами вафот этганларга нисбатан, %)



Никоҳ. 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ФХДЁ органлари томонидан 194,9 минг никоҳ қайд этилди, мос равишда 1000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффициенти 7,8 промиллени ташкил этди.


Никоҳ тузиш коэффициентининг сезиларли ўсиши Қашқадарё (8,0 дан 7,3 промиллега), Самарқанд (8,5 дан 8,0 промиллега), ва Хоразм (7,8 дан 7,3 промиллега) кузатилди.

Никохдан ажралишлар. 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ФХДЁ органлари томонидан 23,6 мингта никохдан ажралишлар қайд этилган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан никохдан ажралиш коэффициенти 0,9 промиллени ташкил этди.

Никохдан ажралиш коэффициентининг сезиларли даражада ўсиши Андижон (1,3 дан 1,2 промиллега) Навоий ва Самарқанд (1,0 дан 0,9 промиллега) ва Сурхондарё (0,8 дан 0,7 промиллега) кузатилди.

Худудлар кесимида тузилган никох ва никохдан ажрашганлар коэффициенти

(2019 йил январь-сентябрь, 1000 аҳолига нисбатан, промилле)



Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 117,6 минг кишини, кўчиб кетганлар сони эса 126,1 минг кишини ташкил этди.

Шунга мувофиқ, миграция сальдоси минус 8,5 минг кишини ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврида минус 11,7 минг кишини ташкил этган.

Миграция сальдосининг юқори даражаси Қашқадарё (минус 4,9), Самарқанд (минус 4,0), Тошкент (минус 3,5), Бухоро (минус 2,7) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (минус 3,3) қайд этилди.

Миграция сальдоси ижобий даражаси Тошкент шаҳрида (плюс 19,3) кузатилди.

Аҳоли миграцияси
(январь-сентябрь, минг киши)

	Келиш		Кетиш		Миграция сальдоси	
	2018 й.	2019 й.	2018 й.	2019 й.	2018 й.	2019 й.
Ўзбекистон Республикаси	121,7	117,6	133,4	126,1	-11,7	-8,5
Қорақалпоғистон Республикаси	8,3	8,0	11,3	11,3	-3,0	-3,3
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	4,8	5,2	6,2	6,7	-1,4	-1,5
Бухоро	4,9	4,1	6,8	6,8	-1,9	-2,7
Жиззах	8,2	7,8	8,8	8,6	-0,6	-0,8
Қашқадарё	8,6	8,0	11,8	12,9	-3,2	-4,9
Навоий	9,8	7,9	10,8	8,6	-1,0	-0,7
Наманган	3,6	3,7	4,2	4,7	-0,6	-1,0
Самарқанд	9,3	6,2	12,0	10,2	-2,7	-4,0
Сурхондарё	9,9	7,9	11,2	10,1	-1,3	-2,2
Сирдарё	6,4	6,5	6,9	6,9	-0,5	-0,4
Тошкент	14,5	13,5	18,7	17,0	-4,2	-3,5
Фарғона	9,6	9,4	10,8	10,8	-1,2	-1,4
Хоразм	4,9	4,2	5,7	5,6	-0,8	-1,4
Тошкент ш.	18,9	25,2	8,2	5,9	10,7	19,3

Шунингдек, дастлабки маълумотларга кўра 2019 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистонга хорижий мамлакатлардан доимий яшаш учун кўчиб келганлар сони 2,0 минг кишини, Ўзбекистондан хорижий мамлакатларга доимий яшаш учун кўчиб кетганлар сони эса 10,5 минг кишини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасига хорижий мамлакатлардан кўчиб келганларнинг асосий қисми Қозоғистон Республикаси (жами хориждан кўчиб келганларга нисбатан 31,1 %), Россия Федерацияси (23,1 %), Тожикистон Республикаси (22,8 %), Қирғизистон Республикаси (13,3 %) ва бошқа мамлакатлар (9,7 %) ҳиссаларига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикасига хорижий мамлакатлардан кўчиб келганларнинг тақсимланиши

(2019 йил январь-сентябрь ойларида, жами хориждан кўчиб келганларга нисбатан, %да)



Шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан хорижий мамлакатларга кўчиб кетганларнинг асосий қисми Қозоғистон Республикаси (жами хорижга кўчиб кетганларга нисбатан 57,4 %), Россия Федерацияси (37,3 %), Америка Қўшма Штатлари (0,9%), Исроил (0,8 %), ва бошқа мамлакатлар (3,6 %) ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўзбекистон Республикасидан хорижий мамлакатларга кўчиб кетганларнинг тақсимланиши

(2019 йил январь-сентябрь ойларида, жами хорижга кўчиб кетганларга нисбатан, %да)



Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Доимий аҳоли – рўйхатдан ўтказилаётган вақтда муайян аҳоли пункти ёки ҳудудда доимий истиқомат қилаётган аҳолидан иборат бўлиб, бунга ушбу ҳудудда доимий рўйхатда туриб, лекин вақтинча яшамайдиган аҳоли ҳам киритилади.

Шаҳар аҳолиси – шаҳар ҳудудларида, яъни меъёрий ҳужжатлар билан шаҳарлар, шаҳарчалар сифатида белгиланган аҳоли пунктларида истиқомат қилувчи аҳоли.

Кишлоқ аҳолиси – шаҳарлар ва шаҳарчалар тоифасига киритилмаган ҳудудларда - кишлоқ жойларда (овуллар, кишлоқлар ва б.) истиқомат қилувчи аҳоли.

Доимий аҳоли сонини баҳолаш - охириги аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари асосида ҳисобланиб, унга ҳар йили туғилганлар ва муайян ҳудудга кўчиб келганлар сони қўшилиб, ўлганлар ва муайян ҳудуддан кўчиб кетганлар сони айрилади.

Туғилиш – туғилиш жараёнларининг содир бўлиши ва бошқа хусусиятларини тавсифловчи кўрсаткич.

1000 аҳолига нисбатан туғилиш коэффициенти – ҳисобот йилида жами туғилганлар (тирик) сонини ҳисобот давридаги доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади.

1000 га аҳолига нисбатан ўлим коэффициенти – ҳисобот йилида жами ўлганлар сонини ҳисобот йилидаги доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади.

Гўдаклар ўлими – ҳаётининг биринчи йилида содир бўлган болалар ўлими ҳодисаси.

1000 туғилганга нисбатан (1 ёшгача болалар ўлими) гўдаклар ўлими коэффициенти куйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\text{Коэфф.} = (Y_{\text{ж}}^t / T_{\text{ж}} + Y_{\text{ж}}^{t-1} / T_{\text{ж-1}}) * 1000,$$

бу ерда $Y_{\text{ж}}^t$ - жорий йилда туғилиб, шу йили ўлган 1 ёшгача болалар сони;

$T_{\text{ж}}$ – жорий йилда туғилганлар сони;

$Y_{\text{ж}}^{t-1}$ – ўтган йилда туғилиб, жорий йилда ўлган 1 ёшгача болалар сони;

$T_{\text{ж-1}}$ – ўтган йилда туғилганлар сони.

Ўлим сабаблари – ўлимга ёки унинг содир бўлишига таъсир этган касалликлар, патологик ҳолатлар ва жароҳатлар, шунингдек ўлим билан яқун топган жароҳатга сабаб бўлган бахтсиз ҳодиса ва зўравонлик ҳолатлари.

Никоҳ – эркак ва аёл ўртасидаги, уларнинг бир-бирларига ва фарзандларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берадиган ўзаро муносабатлари шакли. Эр ва хотин ўртасидаги юридик муносабатлар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида никоҳларини рўйхатдан ўтказиш натижасида ўрнатилади.

1000 аҳолига нисбатан никоҳлар коэффиценти - ҳисобот йилида тузилган никоҳлар сонини доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади.

Никоҳдан ажралиш (никоҳни бекор қилиш) – эр-хотинларнинг ҳаёти давомида, томонлар учун қайта никоҳ ҳуқуқини берувчи, никоҳларининг тўлиқ юридик тўхтатилиши, никоҳ ФХДЁ ёки суд органларида ажралишни рўйхатдан ўтказилганидан сўнг бекор қилинган ҳисобланади.

1000 аҳолига нисбатан никоҳдан ажралиш коэффиценти - ҳисобот йилида никоҳдан ажралишлар сонини доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади

Кўчиб келганлар сони – кўчиб келганларнинг абсолют миқдори, яъни муайян ҳудудга унинг ташқарисидан кўчиб келганлардан иборат. Ички ишлар органлари томонидан аҳолини яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда тузиладиган кўчиб келишни статистик ҳисобга олиш варақаларини қайта ишлаш натижасида аниқланади.

Кўчиб кетганлар сони – кўчиб кетганларнинг абсолют миқдори, яъни муайян ҳудуддан унинг ташқарисига кўчиб кетганлардан иборат. Ички ишлар органлари томонидан аҳолини яшаш жойи бўйича рўйхатдан чиқаришда тузиладиган кўчиб кетишни статистик ҳисобга олиш варақаларини қайта ишлаш натижасида аниқланади.

Аҳолининг миграцион ўсиши (фарқи) - ҳисобот даврида кўчиб келганлар ва кўчиб кетганлар сонлари ўртасидаги фарқнинг абсолют миқдори.